

24 OKTABR 2021-YIL SAYLOVI

O'ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ЭРТАГА МАМЛАКАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ БИЛАН БЕВОСИТА БОҒЛИҚ ТАРИХИЙ ВОҚЕА — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЛИБ ЎТАДИ. БАРЧАНГИЗНИ УШБУ МУҲИМ ТАДБИРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ, КОНСТИТУЦИЯДА БЕЛГИЛАНГАН ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИНГИЗДАН ФОЙДАЛАНИШГА ЧАҚИРАМИЗ.

Нуфузли тузилмалар экспертлари:

САЙЛОВ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Эртага мамлакатимизда катта сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Айни пайтда нуфузли халқаро ташкилотлар кузатувчилари миссияси мазкур сиёсий жараёни кузатиш мақсадида юртимизда бўлиб турибди.

Жумладан, кеча Марказий сайлов комиссияси Раиси Зайниддин Низомиёв уларнинг айримлари — МДХ Парламентлараро Ассамблеяси, Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси, ШХТ кузатувчилар миссияси, шунингдек, Индонезия Умумий сайлов комиссияси раиси Илхам Сапутра, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши бош котибининг ўринбосари Омер Кожаман билан учрашди.

Кузатувчилар билан бўлиб ўтган мулоқотларда мамлакатимизда Президент сайловини ўтказиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар, хусусан, сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилигига доир билим ҳамда кўникмаларини бойитиш, сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва бошқа йўналишларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Сўз — халқаро кузатувчиларга

Илхам САПУТРА,
Индонезия Умумий сайлов комиссияси раиси:

— Очик демократик сайловлар одамларнинг сиёсий салоҳиятини рўёбга чиқариш имкониятини беради. Шу маънода, биз Ўзбекистоннинг сайлов тизими-ни ўрганишдан жуда мамнунмиз.

Бугуннинг гапи

АЁЛ ҒУРУРИ — ҚИЛИЧ, ҚАЛҚОНИ — ҲАЁДИР

Янги Ўзбекистон, янги ғошлар ва янги лойиҳалар даври бошланиши билан хотин-қизларимизнинг истеъдодларини юзага чиқариш учун кенг имкониятлар очилди. Улар бугун оддий уй бекалари эмас, Ватанимизда кечяётган бунёдкорлик ишларининг иштирокчиларидир.

Лекин шунинг билан керакки, улар, аввало, инсоният қавмининг гўзал армини ташкил этади. Улар ёр, келин, рафиқа, буви эканликларини асло унутмасликлари лозим. Шу юксак "уновон"лар улароси ҳаё, назокат, меҳр-муҳаббат, камтарлик, поклик, ғурур сингари юксак фазилатларини улғайиб туради. Аёл ғурури — қилич, қалқони — ҳаёдир! Уни майда-чуйда гаплардан, аёллик шағнига тўғри келмайдисан ишлардан муҳофаза қилувчи, уни мунаввар йўл ва манзилларга йўналтирувчи кучдир. Бу қўрқоли бой берган аёл жамиятнинг сарқитиға айланган қолади. Бугун айрим хотин-қизларнинг аёл деган улуғ номга доғ тушириб, қадр-қимматини йўқотиб қўяётганига асло бефарқ қараб бўлмайди.

Аёл маънавиятининг жон томирларини ҳамиша ҳимоя қилишга тайёр мутахассислар, олимлар ва изодкорларни бу борада суҳбатга чорлайдик.

4-саҳифага қаранг.



ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ ЧЕГАРАЛАР ОША КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА



— Танзила Камоловна, сиз форумнинг муҳим тадбирларидан бири — “Тинчлик ва ишонч дипломатиясини ривожлантиришда аёллар миссияси” деб номланган ялпи мажлисида қатнашиб, сўзга чиқдингиз. Унда қайси масалаларга урғу берилди ва мажлис натижалари қандай?

— Ушбу форум жаҳонда шундай таъсирчан, доимий асосда фаолият юритувчи майдонга айландики, унда аёллар масалаларини ҳал қилишда янгича ёндашувлар туғилади, хотин-қизларнинг

давлат ва жамият бошқарувидаги ролини кучайтириш, фуқаролик жамиятининг айна шу йўналишдаги фаоллигини ошириш бўйича ташаббуслар илгари сурилади.

Ялпи мажлисда Озарбайжон, Бангладеш, Вьетнам, Қозғоғистон, Қирғизистон, Гапон, Мозамбик, Мўғулистон, Молдова, Никарагуа, Тожикистон, Туркменистон, Зимбабве, Эрон каби давлатлар ижро ҳокимияти органлари вакиллари, халқаро ва нодавлат ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралар, жамоат ва академик ташкилотлар вакиллари томонидан

қатор масалалар кўтарилди. Жумладан, янгича шароитда жаҳонда ишончли тараққиёт ва барқарорликни таъминлаш учун парламентларнинг кун тартиби қандай бўлиши керак, лидер аёллар глобал кун тартибидеги долзарб муаммоларни ҳал этиш учун нима қила олишлари мумкин каби саволлар юзасидан фикр алмашилди.

Шу муносабат билан айтиш жоизки, 2021 йил БМТ томонидан “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” деб эълон қилинган. Меҳр-шафқат ва эзгулик хислатларига эга бўлган аёл зоти эса келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилишда му-

Ў Хамкорлик

ҳим роль ўйнаши мумкин. Айниқса, ҳозирги коронавирус пандемияси шароитида келиб чиқаётган муаммоларни ҳал этишда аёлларнинг роли ҳар қачонгидан муҳим.

Мажлисда халқаро ташкилотлар раҳбарлари — ЖССТ бош директори Т. Гебрейесус, ЮНИДО бошқарувчи директори Ф. Хайдара, ЕХХТ Париси ўринбосари П. Каума сўзга чиқди. Улар хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришнинг муҳимлиги ҳақида тўхтади.

СИЁСИЙ ТАДБИР — ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ НИГОҲИДА

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун юртимизга ташриф буюрган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари мамлакатимиз сайлов қонунчилиги, сайлов ўқатқаларида яратилган шароитлар билан танишиб, учрашувлар ўтказишмоқда. Халқаро кузатувчилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси масъуллари ва депутатлар билан ҳам учрашди.

Ў Учрашув

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган МДХ Парламентлараро Ассамблеяси кузатувчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида меҳмонларга кейинги йилларда Ўзбекистонда сайлов тизими, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар, шунингдек, сайлов ҳуқуқини таъминлаш, сайловларни эркин ва адолатли, очик ҳамда ошқора ўтказиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар ҳақида маълумотлар берилди.

Учрашувда МДХ Парламентлараро Ассамблеяси кузатувчилари Ўзбекистон Республикасининг сайлов соҳасидаги миллий қонунчилиги барча халқаро стандартларга жавоб бериши ҳамда ушбу натижаларга таяниб Президент сайлови очик, шаффоф ва демократик тамойиллар асосида ўтказилишига шубҳа йўқлигини билдирди.

Шунингдек, сайлов округларида қўрилаган пухта тайёргарлик, овоз бериш тартиб-таомилларини қонунчиликка мос, замон талаблари даражасида амалга оширилишини қайд этиб, сўнгги йилларда

Ўзбекистондаги ўзгариш ва янгиланишларни юқори баҳолади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари мамлакатимизга халқаро кузатувчи сифатида ташриф буюрган Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси кузатувчилари билан учрашди.

Мулоқот аввалида меҳмонларга кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, сайлов қонунчилигини тизимли ва изчил демократлаштириш бўйича эришилган натижалар, шунингдек, жамият ва давлат ҳаёти, чинакам демократия, адолатли сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда очиклик, ошқоралик ҳамда шаффофликни таъминлаш бўйича яратилган шарт-шароитлар ҳақида маълумотлар берилди.

Делегация аъзолари Ўзбекистоннинг миллий сайлов қонунчилигига қиритилган сўнгги ўзгариш ва қўшимчаларни юқори баҳолаб, фуқаролар учун тенг қўлайликлар яратилгани — бу демократиянинг ёрқин кўриниши эканлигини эътироф этди.

Суҳбат давомида Туркий давлатлар ҳамкорлик Кенгаши аъзолари ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муно-

ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ ОЧИҚЛИК ВА ОШҚОРАЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ЎТАДИ

Халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар кузатувчилари шу фикрни билдиришмоқда.

Жорий йил 24 октябрда бўладиган муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар миссиялари ҳамда нуфузли меҳмонларнинг мамлакатимизга келиши давом этмоқда.

Ў Мулоқот

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев улардан айримлари билан учрашди.

Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси кузатувчилари билан бўлиб ўтган мулоқотда томонлар қардош мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий алоқалар, савдо-иқтисодий, сайёҳлик, илмий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганлигини қайд этишди.

Уз навбатида, делегация аъзолари Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни юқори баҳолади.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, мазкур миссия таркибига Туркия, Озарбайжон, Қозғоғистон, Қирғизистон давлатлари экспертлари қиритилган бўлиб, улар Президент сайловига тайёргарликнинг юқори даражада ташкил қилинганлигини ҳам қайд этмоқчиман. Бешта партиядан номзодлар кўрсатилган. Ҳар бир номзоднинг дастури мамлакатни жадал ривожлантириш ва халқ ҳаётини яхшилашга қаратилган. Ҳозирданок ушбу сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик қўрилгани, у халқаро талаблар даражасида ташкил этилганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шу кунни Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоевнинг Америка янги хавфсизлик маркази Хинд — Тинч океани дастури (CNAS) директори Лиза Кёртис билан ҳам учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Лиза Кёртис Ўзбекистонга олдин ҳам келганлиги ва сўнгги йилларда мамлакатда катта ўзгаришлар юз берганлиги ҳусусида сўз юрттаркан, охириги 5 йилда давлат ва жамият қурилиши, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик ва яхши қўнчилик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган изчил ислохотларни юқори баҳолади.

Шунингдек, у Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш борасидаги фаол ташкисиёсатини алоҳида эътироф этди.

Л. Кёртис Президент сайловида овоз бериш жараёни очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида ташкил этилишига ишонч билдирди. Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев МДХ парламентлараро Ассамблеяси кузатувчилари билан ҳам учрашди.

Учрашувда Тожикистон Республикаси Мажлиси намояндагон мажлиси Оли раисининг биринчи ўринбосари, кузатувчилар гуруҳи координатори Махмадвали Ватанзода Ўзбекистонда сўнгги йилларда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида қўрилган кенг чора-тадбирлар сайлов жараёни шаффофлиги ва қўлайлигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.40 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6